
ХИТОЙНИНГ ХАНЧЖОУ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТАЁТГАН XIX ЁЗГИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА 28 НАФАР ФАРҒОНАЛИК СПОРТЧИЛАР ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида бўлиб ўтаётган XIX ёзги Осиё ўйинларида мамлакатимиз терма жамоалари сафида 28 нафар фарғоналик спортчилар иштирок этишмоқда.

Вилоятимиз спортчилари бокс, спорт гимнастикаси, енгил атлетика, юнон-рум кураши, байдарка ва каноэда эшак эшиш, камондан отиш, от спорти, каратэ, жиу житсу, велоспорт турларида ҳамда футбол ва чим устида хоккей терма жамоаларимиз сафида ғолиблик учун беллашадилар.

Дастлабки кунлардан мусобақага киришган спортчиларимиз илк ғалабаларни қайд этишни бошладилар.

Футбол бўйича Ўзбекистон олимпия жамоаси Осиё ўйинлари гуруҳ босқичидаги дастлабки баҳсни Хонгконгга қарши ўтказиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Ягона голга “Нефтчи” ҳужумчиси Улуғбек Ҳошимов муаллифлик қилди.

Бокс бўйича жаҳон чемпиони Асадхўжа Мўйдинхўжаев (-71 кг) мусобақадаги илк жангини КХДР вакили Жанг Тае Рянга қарши ўтказиб, 5:0 ҳисобида ишончли ғалабага эришди ва кейинги босқичга йўл олди.

Мусобақаларда спортчиларимизга омад тилаймиз.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-09-26 11:21:42